# 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Сана муносабати билан Термиз туман Болалар мусиқа ва санъат мактабида туманда фаолият юритаётган таълим-тарбия муассасалари ўқитувчи ва мураббийлари учун концерт дастури ташкил этилди.

Байрам концерт дастурида туман ҳокимининг ўринбосари С.Нуриев сўзга чиқиб, ўқитувчи ва мураббийларни байрам билан муборакбод этиб, уларнинг бир гуруҳига туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва байрам совғалари танатали топширди.

Концерт дастурида туман Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчи ва ўқитувчилари ҳамда вилоятдан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар ўзлари шўх куй-қўшиқлари билан иштирок этишди.





















**Термиз туман ҳокимлиги**
**Ахборот хизмати**